ЮРТИМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ КЕЗИБ ЮРИБДИ

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 21-22 (153-154) | 2000 йил 15 март, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

Қўғайда яшаш қулай

Ҳозирда юртдошларимизнинг қайси биридан «Бозор иқтисодиёти сизга нимани ўргатди?» деган савол билан мурожаат қилсангиз, аминманки у тадбиркорликни, ишбилармонликни, ўз ҳалол меҳнати эвазига тинч-осойишта, тўкин-сочин яшашни, деб жавоб беради. Ўзларига берилган ҳақ-ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиш туфайли маҳаллаларини обод, фуқароларини яхши яшашларига эришаётган ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам Наманган вилоятида кўплаб топилади.

Қўғай гузарлари

Учқўрғон туманида Қўғай деб номланган қишлоқ бор. Унда 10 та маҳалла бўлиб, мазкур маҳаллаларда йигирма мингдан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилишади.

Бозор иқтисодиётининг ўткинчи қийинчиликларини енгишда ҳам қўғайликларнинг ҳамкору ҳамфикрликлари қўл келмоқда. Мана шу уюшқоқлик туфайли кейинги йилларда Қўғай маҳаллалари мўъжазгина бўлсада ўз бозорларига, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини ичига олган гузарларга эга бўлди. Кўчалар асфальтланди, янги-янги турар-жойлар, савдо хизмати кўрсатувчи катта-кичик дўконлар қуриб битказилди. Айниқса, «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган нақлни ўзига шиор қилиб олган тадбиркору ишбилармонларнинг маҳаллалар ободончилиги, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига қўшаётган ҳиссалари катта бўлмоқда.

Мисол учун, «Исломобод» маҳалласида тадбиркор аёл Муқаддас Қаюмова томонидан янги гузар барпо этилди. Бозорча ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ўз ичига олган мазкур гузар аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилибгина қолмасдан, тушаётган даромаднинг маълум бир қисми ночор оилаларга, маҳалла ободончилигига сарфланмоқда. Биргина ўтган ойларда бундай оилаларга бир неча ўн минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Фирма оталиғидаги мактаб

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 5 ва 24-ўрта мактабларни эса «КООП» Агрофирмаси ўз оталиғига олган. Янги ўқув йили арафасида фирма томонидан мазкур мактаблар жорий таъмирдан чиқарилиб, керакли анжомлар билан таъминланди. Шунингдек, 24-мактабга ичимлик суви етказиб бериш учун насос ҳам қуриб берилди. Яқиндагина ўтказилган фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этган 10 нафар ўқувчига эса 3 минг сўмдан рағбатлантирувчи мукофот тайинланди.

Бу хайрли ишдан деҳқон фермер-хўжаликлари ҳам четда қолишмаяпти. Биргина Салимжон Алибоев раҳбарлигидаги «Шодлик» деҳқон-фермер хўжалиги 40.000 сўмлик гўшт маҳсулотларини тарқатди. Шунингдек, маҳаллаларни асфальтлашга, ободонлаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшди. 0,5 гектар ерда иссиқхона барпо этиб, бир неча янги ишчи ўринлари барпо этган Муҳаммаджон Ёқубжонов эса ўтган йили қилган даромадининг (400.000 сўмга яқин) маълум бир қисмини аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмига ажратиш билан чекланиб қолмасдан, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси томонидан ўтказилаётган турли-туман тадбирларга ҳомийлик қилмоқда.

Тўловлар ҳисобидан маблағ

Қўғай маҳаллалари фаоллари ҳам Республика Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, аниқ режа асосида иш олиб боришга ҳаракат қилишяпти. Бу ҳам самарасиз кетмаяпти. Биргина 1999 йилнинг декабрь ойида Қўғайнинг Навоий номли маҳалласи коммунал тўловларни тўлаш режасини 173,1 фоизга, «Дўстлик-2» маҳалласи - 193,2 фоизга, Файзобод маҳалласи - 132,6 фоизга, «Оқ товлиқ» маҳалласи эса - 156,7 фоизга уддалаб, мўмайгина маблағ эгаси бўлди. Топилган маблағнинг асосий қисми эса аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҳамда маҳалла ободончилигига сарфланмоқда.

Илҳом ЖУМАНАЗАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

СОННИНГ

2-саҳифасида:

- **Гузари обод, дили шод эл. Жиззахда буни ҳис қилдик.**
- **Кўпгина маҳалла оқсоқоллари ўз гузарларидаги тадбиркорлик тузилмаларига қонуний раҳбарлик қилиш ҳуқуқини даъво қилаётирлар.**
- **Саҳар туриб, кўча супурмаган келиндан қайнона воз кечди, «Ювош ўғил» эса бундай оқибатга рози.**
- **Деновлик шифокор Равшан Мирзаев соғлом авлод борасида мудом қайғуради.**

3-саҳифасида:

- **Ўғил фарзандда ота-онанинг ўнта ҳаққи бор.**
- **Кўпқаватли уйларнинг аҳолиси қўнимсизлиги билан ажралиб туради. Улар бошини қовуштиришда Уйбошининг қандай ваколати бор?**
- **Оқсоқол: у машҳур, у эркак, у аёл, у... 88 ёшда! Муштарийлар фикри - энг қиммат хазина.**

4-саҳифасида:

- **Бир вақтлар ҳаётда катта хатога йўл қўйган қизнинг фарзанди бугун ўзга меҳрибонлар қўлида 6 ёшга тўлди.**
- **«Алифбе»нинг муаллифи бугун ҳаёт бўлганда 102 ёшга тўларди.**
- **Соғлом авлод керак Ватанга!**
- **Аёли пок бўлган юртнинг иймон устунлари нурамагай.**
- **«Гунеш» наволари Наврўз элчиси.**

Маҳалла ва ишбилармонлик

Ҳар оилада бир тадбиркор бўлсин!

Яқин ўтмишимизга назар соладиган бўлсак, ҳар бир хонадонда жилла бўлмаганда бирон касб-корни эгаллаган бир инсонни кўриш мумкин эди. Ҳатто бутун-бутун мисгарлар маҳалласи, маҳсидўзлар, териошловчилар, телпакдўзлар маҳалласи бўларди.

Минг афсуски, оддий халқ ҳаётини бир қадар ушлаб турувчи мана шундай устунлар - яъни ҳунармандчилик, тадбиркорликнинг ҳам илдизига шўролар даврида болта урилди. Лекин халқнинг иродасини синдириб бўлмаганидек, унинг қонида жўш уриб турган олийжаноб фазилатлар, олтинга тенг қобилияту имкониятларини ҳам йўқотиб бўлмас экан. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ - меҳнатга эркинлик берилиши иқтисодий эркинлик эълон қилиниши билан юртимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик, ҳунармандчилик кенг қулоч ёйиб кетди. Маҳалланинг тадбиркорликни ривожлантириш борасида муҳим ҳиссаси бўлиши мумкин. Бу борада муайян тажриба ҳам йўқ эмас. 80-йилларда ташаббускорлик ғайрати билан «Завод-маҳалла-дўкон» шартли схемасида ҳаракатлар бўлганди. Тошкент шаҳридаги бир қатор йирик корхоналар маҳаллалардаги бор шароитлардан келиб чиққан ҳолда кенг истеъмол моллари цехлари ёки қўл кучини кўпроқ талаб қиладиган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини ташкил этишганди. Бундай корхоналар орасида Тошкент трактор заводи, «Ўзэлектроаппарат», «Совпластитал», «Агрегат» заводи ва бошқалар бор эди.

(Давоми 2-бетда).

Кўролмаганнинг кўзи чиқади

Халқа занжири қирқилди

Панжара ортида тоғни урса талқон қиладиган норғул йигитлар. Воажаб, нечун улар бу аҳволга тушдилар, оқ сут берган оналари, қавм-қариндошлари, эл қаҳрига дучор бўлдилар? Мустақил мамлакатимиз Қомусига зид йўл тутдилар, халқ юзига оёқ қўйдилар.

Бу нотавон йигитлар кимлар? Нечун улар бугун панжара ичида ўтиришибди?

Исо Раҳмонов Қашқадарё туманлари ва қишлоқларида изғиб, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшларни ўз атрофига тўплай бошлайди. Улар кўнглига ўзининг чиркин ғояларини сингдириб, халқа шаклида ўзига боғланиб турадиган гуруҳлар тузади. 12 нафар йигитни жалб қилади, ҳизб ғояларини яширин равишда тарқатиб, нодон ёшларни турли адабиётлар ва бошқа ноқонуний қўлланмалар билан таъминлайди. Улар олиб борилаётган ишларни таманно сир сақлаш тўғрисида қаттиқ огоҳлантириладилар. Уюшган гуруҳнинг халқа шаклидаги кичик гуруҳларга бўлинганлиги, уларнинг яширин ҳаракатини тез ошкор бўлмаслиги учун қўл келган. Ана шу ғаламислик 13 нафар йигитни жиноятга етаклади. Улар асло дин йўлидаги йигитлар эмас, балки жаҳолат, залолат қалбига ўрнашган иймонсизлардир.

Вилоят судининг очиқ суд мажлиси тугади, ҳукм ўқилди. Мавжуд Конституцион тузумга қарши фаолият кўрсатган гуруҳ раҳнамоси Исо Раҳмонов 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳизбут ғояларини тарқатишга уринган Нарзуллаев, Бўриев, Темиров, Бердиев Худойбердиев, Файбуллаев, Ҳаққулов, Усмонов, Хўжамқулов, Омонтурдиев, Раҳматов, Бозоровлар узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Халқа занжири қирқилди. Улар бу ишларни ўзга юртларда эмас, маҳаллаларда, шундоққина кўз ўнгимизда содир этдилар. Биз эса уни сезмадик, улардан бехабар қолдик. Афсус...

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Наврўз нафаси

Озода яшасангиз, мукофот ҳам оласиз

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Наврўз умумхалқ байрами олдидан «Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш ҳақидаги таклифи мамлакатимиз аҳолиси ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими ҳам бу хайрли ишга ўз улушларини қўшиш мақсадида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш бўйича махсус тадбирлар режасини ишлаб чиқишди. Унга кўра, энг аввало байрам тадбирлари ўтказиладиган ҳудудлар ва майдонларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.

Маҳалла оқсоқоллари бошчилигида ўтказиладиган «Умумшаҳар экологик шанбалик»ларида ҳар бир кўча, ҳар бир ҳовли, кўпқаватли уйлар атрофи тозаланади. Маҳаллаларда атроф ҳудудлар ободонлаштирилиб, кўчатлар экилади, оқава сув ва ирригация ариқлари тозаланади, қабристонларда шанбаликлар ўтказилади. Шунингдек, маҳаллалар ҳудудидаги бўш ётган қаровсиз ерлар боғга айлантирилиб, ҳашар йўли билан мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилади.

Мазкур режада кўзда тутилган энг муҳим тадбир бу маҳаллалардаги оилалар, кўчалар, кўпқаватли уйлар ўртасида озодалик, санитария, тозалаш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан «Маҳалла» жамғармасининг соврини учун кўрик - танлов ўтказишдир. Кўрик- танлов Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳрида «Маҳалла куни» тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарорида эълон қилинган низом асосида «Намунали маҳалла» номинацияси остида ўтказилади. Унга асосан, кўрик -танловнинг биринчи ўрин ғолибига 100 000 сўм, иккинчи ўринга 60 000 сўм, учинчи ўрин соҳибига 30 000 сўм, битта рағбатлантириш соврини эгасига эса 10 000 сўм мукофот берилади.

Темир ҚУРБОН,
« Mahalla» мухбири.

Баҳорнинг илк кунлари тафтидан чеҳрасига табассум югурган отахонларимизни баҳорий таомлар - кўк сомса ва сумалак билан меҳмон қилиш, қолаверса, кўклам қувончларини баҳам кўриш мақсадида жамғармамиз тантанали тадбир ўтказди.

Отахонлар ҳурмати

Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган республика Миллий банки гузарида бўлиб ўтган мазкур «Оталар чойхонаси»га тумандаги 48 та маҳалланинг оқсоқоллари, нуроний отахонлар таклиф этилдилар.

Наврўз тантаналарини муносиб нишонлашни санъаткор аҳлисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода байрам тадбирида хизмат қилган таниқли санъаткорлардан Ортиқ Отажонов, Абдулҳай Каримов, Маҳмуджон Йўлдошев, кулгу устаси Ҳожибой Тожибоевнинг сўз усталиги тадбирга файз бағишлади.

Барот САЛОМОВ,
«Маҳалла» жамғармаси Ҳамза тумани бўлинмаси раиси.



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«МАНАЛЛА» таҳририяти жамоаси барча мўмин - мусулмонларни Қурбон Ҳайити муносабати билан чин дилдан муборакбод этади!

Акс-садо

Маҳалла почтаси бўлса...

Газетада кўплаб маҳаллаларнинг меҳнат тажрибаси, иш услублари атрофлича ёритиб борилаяптики, бу мақолалар республика маҳаллаларидаги оқсоқоллик қилаётган ватандошларимиз учун ўрганиш манбаи сифатида қўл келиши мумкин. Янгийўл тумани, А.Ортиқов номидаги фуқаролар йиғинига қарашли «Баҳор» маҳалласи оқсоқоли Асатулла Аламовнинг билдирган фикрлари менда қизиқиш уйғотди.

Ҳақиқатдан ҳам ёшларни тарбиялашда мактаб ва маҳалла, ота-она алоқаларини мустаҳкамлаш даркор. Шунингдек, маҳаллаларнинг ўзида таълим-тарбия, билим олиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида ҳар бир гузарда кутубхона ва газеталар савдосини амалга оширувчи дўкон ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, менимча.

Ҳозирги кунда телевидение, компьютер технологиялари кенг тараққий этган даврда яшаяпмиз. Лекин инсон ақл-заковатини ривожлантиришда китобнинг ҳам ўз ўрин-мавқеи борлигини унутмаслик зарур. Истардимки, ҳар бир маҳалла оқсоқоли маҳалла чойхонаси ёки гузар ўртасида газеталар учун махсус қутилар ясатиб қўйса, фарзандларимиз энг янги ахборотга биринчи галда ўз маҳалласининг почтасида эгалик қилса.

Ҳикмат СОБИРОВ,
Тошкент молия институтининг профессори, иқтисод фанлари доктори.

Танқид

Алпомишни фақат байрамда эслаймиз...ми?

Алпомиш юбилейи муносабати билан қатор китоблар чоп этилди, газеталарда мақолалар берилди, телевидениеда туркум кўрсатувлар намойиш қилинди. Бойсунда ва Термизда Алпомиш боғлари ташкил этилди. Хуллас, қилинган бу ишлар ўзлигини ҳурмат қиладиган ҳар бир одам қалбида ёруғлик пайдо қилади. Лекин...

Агар билсангиз, қўҳна Сурхон заминида Алпомиш ва шу номдаги достон билан боғлиқ тарихий жойлар анчагина. Масалан, бу заминда Алпомишнинг зиндони, Товкаойимнинг ёзги ва баҳорги қўрғони, Жийдали Бойсун, Мастон кампирнинг бир этак тоши, Муродқуса, Ҳалинчактўба, Тиловтўба, Таллошқантўба, Бойсарисой, Айдаҳарсой, Ойинакўл ва бошқалар. Масалан, ерли аҳоли маълумотларига қараганда, Шеробод туманининг биринчи даҳасида Товқаойимнинг ёзги қўрғони бўлган экан. Ҳозир супа бузилиб, ундан ному нишон қолмаган. Лекин қўрғон қолдиқлари, девор, эски ғиштлар ҳали ҳамон сақланиб турибди. Агар эътиборсизлик давом этаверса, қўрғоннинг сўнгги аломатлари ҳам йўқ бўлиб кетиши турган гап. Юқорида биз номларини тилга олган Тиловтўба, Қуёвқаратўбалар лоқайдлик сабаб бузиб юборилган. Таллашқонтўбадан ҳам айрим аломатлар қолган. Айтишларича, Товкаойимнинг баҳорги қўрғони ёнида чиройли тошлар, айрим тошларнинг эса ёзувлари ҳам бўлган дейишади.

Маълумки, таниқли олимларимиз ўз илмий мақолаларида Сирдарё бўйида ҳам Барчин билан боғлиқ Кўкгумбаз бўлганлиги, уни сел олиб кетганлигини афсус надомат билан эслашади. Аммо сел олгунга қадар ҳам бу жой чуқур ўрганилмаган, эътиборга олинмаган.

Сурхондарёнинг донишманд қарияларидан бири Холмурод бобо Жўраевнинг гувоҳлик беришига қарағанда, Шеробод тумани ҳудудидаги Алпомиш зиндони чуқурлиги одам бўйи, шунга яқин жойда ўрнашган Товкаойимнинг қурғони деворлари эса икки метр атрофида бўлган. Девор чиройли тошлардан, безаклардан таркиб топган. Ҳатто тепаликда жойлашган Алпомиш бандини назорат қилиб туриш учун баландда қурилган Қоровулхона тошлари ҳам бўлган. Ҳозир эса улардан белги жуда кам қолган.

Сурхондарё вилоятида, унинг туман ва шаҳарларида «Олтин мерос», «Алпомиш», «Наврўз» каби жамғармалар мавжуд. Чамаси, уларни ҳозирча «Алпомиш» достони ҳам, у билан боғлиқ бўлган тарихий жойлар ҳам у қадар қизиқтирмаётган кўринади. Балки у ердагилар биз тилга олган тарихий жойларнинг қаерда, қайси туманда жойлашганини ҳам аниқ билишмас... Нима бўлганда ҳам, ҳозир тортишиб мунозаралашиб ўтирадиган пайт эмас. Фурсат ғанимат, Алпомиш билан боғлиқ тарихий жойларни келажак авлодларга мерос сифатида авайлаб қолдиришнинг ташвишини қилиш керак.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят манзили:
Тошкент,
Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси,
32-уй. 622, 635-хоналар.

Хатлар учун:
700011, Тошкент-11, а/қ 7168

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-57-62,
масъул котиб 144-34-24
ижодий бўлимлар— 144-23-90,

Қабулхона — 144-23-34.
133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Ҳоким ва маҳалла

«Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»

И.КАРИМОВ.

Адолатли фуқаролик жамияти сари

**** Гузари обод, дили шод эл***
**** Жиззах мўъжизаси***
**** Оқсоқолга «Тико» мукофот***

Жиззах вилояти маҳаллаларини айланар экансиз, кўзларни ҳам, дилларни ҳам қувонтирадиган уч оҳанграбо манзара диққатингизни тортади.

Абдусаттор Абдулатипов раис бўлган «Равонлиқ» фуқаролар йиғини гузари. Дид билан қурилган дўконлар, маиший хизмат корхоналари кўринади. Маҳалланинг саранжом-саришталигидан кўнглингиз очилади.

Қуёш йўли билан борар эканмиз, кўча давомида, чап томонида гулли панжара, ғиштли жозибадор дарвоза узоқдан эътиборингизни тортади.

- Гузарга ҳам етиб келдик, - деди маҳалла раиси Абдусаттор ака. Панжарадан ичкарида катта ҳовли, фаввора атрофи гулзор. Дарахтлар куртаклай бошлаган. Гир айланган, шарқона меъморчилик безаклари билан оралатган иморатлар. Тўғрида кўркам баланд бино, пештоқлари нақшинкор, дид билан бўялган. Ўнг томондаги ҳовлида бозорча, ёнидаги бинода миллий таомлар ошхонаси ва чойхона. Дарвозадан киришингиз билан ёқимли нон ҳиди, димоғингизни чоғ этади. Чап томондаги қатор маиший хизмат корхоналарининг биринчиси нонвойхона экан.

Тўғридаги ҳашаматли бинога кирамиз. Оқсоқолнинг, котибнинг, хотин-қизлар кенгашининг ҳоналари алоҳида-алоҳида. Турли маҳаллага оид плакатлар билан безатилган. Котибнинг хонасида кўримли жойга: кам таъминланган оилаларга, болали оналарга бериладиган давлат ёрдам пулининг йўриқномалари қўйилган. Хотин-қизлар кенгаши хонаси аёлларга хос ораста. Маҳалланинг мўътабар хотин-қизлари фотосуратлари, «Соғлом авлод йили» деб аталган махсус бурчакда Президентимизнинг шу табаррук, авлодлар давомийлигини улуғловчи санага оид кўргазмали лавҳа, адабиётлар дастаси.

- Президентимиз Ислом Каримов ўзини ўзи бошқариш органларига - маҳаллаларга эътиборини қаратиб, бўлажак адолатли, фуқаролик жамиятининг асоси, деб атаб, уларга қатор давлат ваколатларини бериш дастурини илгари суришлари биланоқ, янгиликка, ташаббусга ўч вилоят ҳокимимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев «Ҳар бир маҳаллага обод, қулай гузар, марказ» шиори билан чиқдилар. Қисқа вақтда маҳаллалар ҳудудидаги энг кўркам, кенг иморатларни маҳаллаларга олиб бердилар. Мавжуд биноларни таъмирлаб, йўқ жойларда ер ажратиб, янгиларини қурдиришга астойдил киришилди. Кўриб турганингиздек, деярлик ҳамма маҳаллалар гузарлик, марказлик бўлиб қолдилар, - гапириб берди Жиззах вилояти оқсоқоллар Кенгаши раисининг муовини Шамсиддин Жўраев, - Тасарруф қилишга келганда, ўзи ҳашар йўли билан қуриб, ўзи бошқараётган маҳалла гузари-маркази ҳам бор. Ҳозир ўша ерга борамиз.

«Олмазор» маҳалласига йўл олдик. Маҳаллага ўз вақтида соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳалол, фидокорона, пешона терини тўкиб ишлаб катта эътибор қозонган, пиру бадавлат Ғани ота Набиев раислик қилар эканлар, 1998 йилда отанинг холис, беғараз, жамоатчилик фаолияти мамлакатимизнинг юксак мукофоти «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

- Маҳалламиз, 1979 йилда ташкил бўлган. 6000 аҳолиси бор. - деди Ғани ота. гапга чечан, ҳазил-мутойибага мойил отахон, юрагида борини дадил айтадиган, эл-юрт тарафида туриб, кўпчилик манфаати учун курашадиган, керак бўлса маҳалла раиси маоши, устига пенсия пулини ҳам маҳалла эҳтиёжи учун аямайдиган ҳимматли инсонлардан.

Ғани ота барпо этган камида 5 миллион сўм турадиган маҳалла гузарида, ҳамма нарса муҳайё: рўзғор эҳтиёжларига керакли, кундалик зарур буюмларни, озиқ-овқат маҳсулотларини, хўжалик молларини узоққа бормай шу ердаги дўкон, маиший хизмат корхоналаридан бемалол топиш мумкин. Баҳоси ҳам бошқа дўконлардагидан арзон. Боиси, маҳалла раиси Ғани ота Набиев давлат томонидан ажратиладиган озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган устама фоизларнинг имкон қадар паст бўлишига эришган, доимий назоратда тутади.

- Албатта, бу борада гузарда жойлашган барча тушум манбаларининг маҳалла ихтиёрида эканлиги катта мадад бўлмоқда. Нарх-навонинг арзонлиги ҳам шундан. Энг муҳими, тушаётган маблағлардан асосий қисмини давлат бюджетидан бериладиган ёрдамга қўшиб, кам таъминланган оилаларга, бошига таъзия тушган ночор хонадонларга, ёлғиз қарияларга, кўп болали оналарга ҳам ёрдам бериб бормоқдамиз, - дейди оқсоқол.

Жиззах шаҳрининг турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган, кўпқаватли ҳамда қадимий уй-жойлар бир-бирига туташиб кетган, қатор саноат ва маиший хизмат корхоналари жойлашган «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Аҳмедов билан учрашиб, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, унинг муаммолари ҳақида гапириб беришни сўраймиз. Маҳалламиз ташкил топгандан буён биринчи марта ўзининг чинакам гузарига эга бўлди. Ранг кўр - ҳол сўр, дейди халқимиз. Гапнинг очиғи шундай нобоп, ноқулай тор гўшаларда ўтирардикки, одам уяларди.

Маҳалланинг номи ёзилган, катта ғиштин дарвозадан кирар экансиз, бир неча сотих ҳовли, гир айланган баланд, ойнаванд ёруғ хоналар. Бир чеккадан танишар экансиз, маҳалла аҳли учун зарур бўлган чойхона, нонвойхона, сартарошхона, кичик корхона, дўкон, нафақаларни берадиган халқ банки хонаси, маҳалла оқсоқоли ҳамда котиби, ҳудуд нозири, посбони учун алоҳида-алоҳида жиҳозланган барча бинолар мақсадли барпо этилган.

Жиззах вилоят ҳокимлиги нафақат қурилишлар билан, ҳатто оқсоқолларнинг узоғини яқин қилиб, «Тиқо» автомашинаси билан рағбатлантирмоқда. Ҳозир, «Олмазор» маҳалла тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллалар фаолиятини эркинлаштириш, ҳудудидаги гузарларни, маиший хизмат корхоналарни тасарруфига бериш молиялаштириш муаммолари босқичма-босқич ечимини топиш йўлида жамоатчилар вилоят ҳокимлигининг истиқболга ташлаган дадил қадамини мўъжиза янглиғ мамнун кутиб олдилар.

Расул РАҲМОНОВ.

Қошиқ - ҳарорат ўлчагич

Маълумки, барча болалар ҳарорат ўлчагични ёқтиришавермайди.

Бироқ ГФРда ишлаб чиқарилган бу асбобни энг қайсар болакай ҳам хуш кўради. Чой қошиққа ўхшатиб ясалган бу янги асбоб пластмассадан. Унга бирор ширинлик қуйиб болага берилса бас, шу вақтда унинг ҳарорати ўлчанади.

Ишга ёрдам берувчи ҳид

Япониядаги компаниялар меҳнат унумдорлигини оширадиган янги восита - ҳидга эга бўлдилар.

Эрталаб озгина цитрус мевларининг ҳиди ва кундузи гул исининг енгилгина таралиши хизматчиларни иш жойларида юқори натижаларга эришишлари учун доим тетикликларини таъминлаб туради.

Ўн йиллик изланишдан сўнг «Сисэйдо» косметик фирмасининг олимлари ёқимли ҳидлар инсон организмига яхши таъсир кўрсатишини аниқлаганлар.

Пиво кўпиги нурланишга даво

София шаҳридаги пиво пишириш саноати институти олимлари фавқулодда зўр ишга қўл урдилар.

Улар нурланиш касаллигининг баъзи элементларини пиво кўпиги билан даволаш мумкинлигини айтмоқдалар. Ҳарбий-тиббий академиясининг радиобиология ва гематология кафедрасида олиб борилаётган тадқиқот ишлари бу соҳада умидвор бўлишга асос яратади.

Ҳам гўзаллик, ҳам саломатлик

Ҳозирги пайтда ҳамма гиподинамия - эрта қариш, касалланиши ҳақида ташвишланиб гапирмоқда.

Шунинг учун ҳам дунёда югуриш, велосипед миниш ва шу каби серҳаракат воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Буни тушуниб олган голландиялик бир сартарош ўзининг гўзаллик салонига тез-тез ташриф буюрадиган аёллар учун қизиқарли янгиликларни таклиф этади. Хонимлар фен-қалпоқлар остида ўтиришганда вақтларини бекор кетказмасликлари учун у ҳар бир кресло остига велосипед педалини ўрнатган. Бундан ҳам сартарошга, ҳам мижозга фойда. Мижозлар педални айлантириб, жисмоний машқ бажарсалар, сартарош кресло остидаги миттигина генератордан қўшимча электр энергияси олади.

Маҳалла ва ишбилармонлик

Ҳар оилада бир тадбиркор бўлсин!

(Боши 1-бетда)

Ҳозир ҳам бу борада яхшигина натижаларни қўлга киритаётган маҳаллалар оз эмас. Пойтахтдаги маҳаллаларда ташкил этилган юздан ортиқ гузарларда, Фарғона водийси вилоятлари шаҳарларидаги маҳалла гузарларида тадбиркорлик анча кенг ривожланганини кузатиш мумкин. «Mahalla» газетасининг шу йил 23 феврал сонида Тошкентнинг «Чиғатой оқ-тепа» маҳалласидаги тадбиркорлик бўйича амалга оширилган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинганди. Маҳалланинг чарҳчиси ҳам, сартароши ҳам, телевизор созловчи устаси ҳам, маиший хизматнинг бошқа турлари бўйича малакали касб-кор эгалари аҳоли оғирини енгил қилаётган экан.

Шунга қарамай, ҳали маҳаллаларда бу борада, - яъни тадбиркорликни, ишбилармонликни ривожлантиришда эски анъаналарни тиклашда ҳам янги имкониятларни ишга солишда қилинадиган ишлар, юмшоқ қилиб айтадиган бўлсак, - ҳали кўп. Зеро, бу масала бир томондан ҳозирги бозор муносабатлари ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бораётган шароитда маҳалланинг ўз ҳудудидаги фуқароларнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан эса, муҳим ижтимоий, маънавий муаммоларни ҳал этишда ҳам ғоят қўл келади. Яъни аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш, йигит ва қизларни ёт ғоялар таъсирига берилишдан сақлаб қолишда, уларни ҳалол меҳнат билан кун кўриш, Ватан ва халқига садоқат билан яшашга ўргатишда муҳим омил бўлади. Мавжуд тажрибани чуқур ўрганиш, анъаналаримизга мурожаат қилиш асосида қатор мулоҳазаларни ўртага ташлаш мумкин.

Аввало, сўниб кетган «Завод-маҳалла» ташаббусини жойларда тиклаш йўли билан анча-мунча иш жойларини ташкил этиш мумкин. Иккинчидан, маҳаллада ишсиз, уйида ўтирган ёки мажбуран бозорларга қатнаб, ўз касби бўйича иш бўлса, «жонжон» деб унга борадиганларнинг аниқ ҳисоб-китобини қилиб чиқиш керак бўлади. Дарвоқе, ҳозир ҳар бир маҳаллада ҳеч қаерда ишга бормай, маҳалла чойхонасини, гузарими ёки кўча бошиними «гуллатаётган» азаматларни тез-тез учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти ўз аёлларини бозор-ўчарга, савдо билан чет элларга юришларига қўйиб-қўйиб, ўзлари мўйловларини силаб, гердайиб ҳам юришади. Шулар билан бирма-бир тушунтириш ишлари олиб бориш ва айни пайтда маҳаллада қандай ишни ташкил этиш мумкинлиги устида бош қотириш керак.

Касаначилик фаолиятини жорий қилишда маҳалла ҳам ташкилотчи, ҳам воситачи бўлиши мумкин. Аёллар уйларида завод, фабрикалар, фирмаларнинг топшириқларини бажаришлари, бунда бир қанча одамнинг ҳом ашёни олиб келиб бериш ҳамда тайёр маҳсулотни эгаларига етказиб беришда банд бўлишлари мумкин.

Дарвоқе, кўпгина маҳалла оқсоқоллари ўз гузарларидаги тадбиркорлик тузилмаларига қонуний раҳбарлик қилиш ҳуқуқини олиб борилишини сўраб, мурожаат қилиб юришибди. Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрайлик-а: ахир бу яна аввалги маъмурий-буйруқбозлик йўлидан бориш бўлмайдими? Илғор маҳаллалар тажрибаси эса, бундай раҳбарликни шартномавий асосларда ва иқтисодий омиллар билан бемалол ва таъсирчан амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ҳа, ҳозирги даврни бекорга ўйлаш-фикрлаш ва ҳаракатлар даври дейишмайди. Излаган-топади, ишлаган-тишлайди. Бутун маҳалла биргаликда ўз фаровон ҳаётини яратиши мумкин ва бемалол бунинг уддасидан чиқа олади. Хоҳиш ва амалий интилиши бўлса - бас.

Саид ВАЛИЙ.

Соғлом ўс, болам!

Оила барбод бўлди

Қайнона келинидан ранжиди

Сабаби эсида йўқ

Уларни суд залига етаклаб келган омил ҳақида гапирсангиз - кишининг кулгиси келади.

- Келиним эрталаб соат олтида туришни билмайди, турасолиб салом бериш учун қошимга интилмайди, - деди қайнона Шайхонтоҳур туман судида сўзга чиқар экан.

Туман судьяси Дилфуза Абдуқодирова бу даъволар никоҳни бекор қилиш учун асос бўлолмаслигини қайта-қайта таъкидлашига қарамай, қайнона ўз «шикояти»да қаттиқ туриб олди. Унинг ёнига ўғил ҳам қўшилди:

- Тўғри, кўпинча онамга салом беришни унутиб қўяди. Саҳар туриб кўча супурмайди, мен бундай хотин билан ортиқ яшолмайман, - онасининг даъволарини қувватлади «ювош ўғил».

Ваҳоланки, Зокиржон билан Дилнозахонлар (исмлари маълум сабабларга кўра ўзгартирилди) бор-йўғи икки ойгина турмуш қуришган, ҳали эр-хотинликнинг мазмун-моҳиятига тўла тушуниб етмаган эдилар.

- Бу оилани сақлаб қолиш учун «Янги шаҳар» маҳалла фаоллари, айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш кенгаши раиси Ақида опа қаттиқ тиришдилар, лекин масала яхши томонга ўзгармади, - дейди шаҳар фуқаролик ишлари ва аёллар ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати Дилфуза Тўхтаева.

Адвокатнинг сўзларига қараганда, оиладаги арзимас сабаб-важлардан кўтарилган низо, суд залига чиққанда туядек салмоққа етаркан.

- Агар шу низо дабдурустдан суд залида эмас, маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама этилганида эди - ёшлар тақдири ижобий хотима топишига умид бор эди, - дейди адвокат Д.Тўхтаева.

Маълум бўлишича, бундай оилавий «икир-чикир», «майда гаплар»ни маҳалла жамоатчилиги олдида дастурхон қилишга ҳамма ҳам рағбат қилавермас экан. Ҳар битта одам танишинг, қўшнинг бўлганидан кейин тартиб-интизомни сақлашга, овозингни баланд кўтариб андишасизлик қилишга ҳеч ким ҳам дов бермайди.

- Бироқ маҳалла жамоатчилиги олдида «оғзига талқон солган» қуда-қудағайларни суд залида кўрсангиз, нақ ит-мушук муносабати дейсиз, - таъкидлайди адвокат ўз тажрибасидан гапира туриб. - Шунинг учун юқоридагига ўхшаш низоларни иложи борича судгача олиб чиқмаслик, маҳалла йиғинларининг ўзидаёқ ҳал қилиб юбориш мақсадга мувофиқ.

Аниқланишича, «Янги шаҳар» маҳалласи мазкур ёш оилани яраштириш учун уч марта йиғин чақиради. Ҳар сафар куёв томон йиғинда ҳозир бўладию, ўз уйига жўнаб кетган келин томондан на Дилноза, на унинг ота-онаси, қариндошлари етиб келишади. Ваҳоланки, ажрим учун аризани куёв томон ёзганига қарамай, келин ажрашмасликка қатъий аҳд қилган эди. Орадан ўтиб кетган 2-2,5 ойлик айрилиқ бу ёшларнинг кўнглига совуқлик туширибгина бўлди. Шу жумладан Дилнозанинг ҳам.

Жамиятнинг бир қўрғони қулади. Ҳали ҳаётда ўн гулидан бири ҳам очилмаган Дилнозанинг, Зокиржоннинг руҳий ҳолатида, ёруғ оламга бўлган дунёқарашида доғ пайдо бўлди. Ўйлаб кўрилса, фарзандларининг шу кунига бош сабабчи бўлган қайнона аввалбошида нима учун келинидан ранжиганини ҳозир ҳатто эслолмаса ҳам керак...

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Сурхондарё

Денов туман оналар ва болалар шифохонаси бош врачи, олий тоифали ташкилотчи шифокор Равшан Мирзаевнинг соғлом авлод ташвиши билан яшаётганига кўп йиллар бўлди.

Равшан аканинг хайрли ишлари

Буни қуруқ гапи, минбарлардаги маърузалари билан эмас, амалий фаолияти билан исботлаб келаяпти. Чунончи, Равшан ака 1978-82 йилларда, яъни туман марказий шифохонаси бош врачи вазифасида ишлаб юрган кезларида, «Ҳовлининг санитария паспорти»ни жорий қилган эди.

Орадан йиллар ўтди. Равшан аканинг ниятини англаганлар ҳам бўлди, англамаганлар ҳам. Унинг бу ишига истеҳзо билан қараганлар ҳам йўқ эмасди. Лекин Равшан ака бунга парво қилмади. Фикрини, ишини ривожлантиришда давом этди. Кейинчалик у «Аёлнинг саломатлик гувоҳномаси» деб номланган ўттиз бетлик рисоласини тайёрлади. Бунда «Ёш оилаларга маслаҳат», «Ҳомиладор аёлга эслатма», «Гўдакни парвариш қилиш бўйича маслаҳат», «Кўкракда эмизишнинг психологик афзалликлари», «Оталар эътиборига», «Ёш она туғруқхонадан уйга келгандан кейин» сарлавҳалари остида берилган маслаҳатлар ҳар бир оила учун фойдалидир. Шунингдек, рисолада ҳар хил маълумотлар ҳам берилган. Дарвоқе, мазкур рисола 1998 йилда икки минг дона босмадан чиқди ва тарқалиб кетди. 1999 йилда эса мазкур рисола ўттиз минг нусхада нашрдан чиқди. Туман ҳокимлигининг кўмаги билан етти минг донаси одамларга тарқатилди.

Равшан Мирзаев соғлом авлод борасида мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишларда ўзининг ҳам фаол қатнашганини изҳор қилган ҳолда, амалий ишлар билан машғулдир. Унинг саъй-ҳаракати билан шу кунга қадар «Аёлнинг саломатлик гувоҳномаси» рисоласи тумандаги туғиш ёшида бўлган 25 фоиз аёлга улашилди.

А. МАҲМУДОВ.

«СОҒБОН-НОН»
ОТАЖ

БАРЧА МЎМИН - МУСУЛМОНЛАРНИ ҚУРБОН ҲАЙИТИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Ҳамда

акциядорларнинг навбатдаги йиғилиши 2000 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Соғбон кўчаси, 3-уй.

КУН ТАРТИБИ

1. «Соғбон-нон» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 1999 йилдаги иш фаолияти ҳақида ҳисоботи ва 2000 йилдаги вазифалари тўғрисида.

2. Жамиятнинг 1999 йил молия-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 1999 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 1999 йил молия-хўжалик ҳисоботи бўйича даромадларини тасдиқлаш; дивидентлар миқдори ва уни тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорларнинг гувоҳномаси ёки ишончномаси бўлиши шарт.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Маълумот учун телефон: 46-36-49.

Яхшилар гулшани

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

6.Фарзанд гарданидаги вожиблар

Аллоҳга шукурким, истиқлол иймон-эътиқодимизга қувват берди. Эзгу амалларни тиклади. Зеро, болаларда иймон, эътиқод мукаммал бўлсагина ота-боболаримизни, устозининг кимлигини билади.

Отамиз раҳматли айтиб бергувчи эдилар, болаликларида сабоқни тайёрламай борганмилар, тўпалон қилганмилар, хулласи калтак ебдилар-да, уйга йиғлаб келибдилар. «Бошқа мактабга бормайман», - дебдилар. Шунда оқила она:

- Болам, устозинг урган қўлларингдан қиёматда гуллар униб, ўсади. Мана шу қўлларинг шу дунёнинг ўзида барокатли бўлади, сени бой қилади. Устозинг товонингга урган бўлса, пулсиротдан яшин тезлигида ўтиб кетасан. Устозинг сенга бир марҳамат қилибди, - деб отамни юпатган эканлар. Шундай устозлар сабаб отамиз жуда ўқимишли уламолардан бўлиб етишдилар. Аллоҳ раҳмат қилсин. Ҳеч ким ҳеч замонда машаққат чекмагунча одам бўлмаган. Устоз шогирдларининг бирини ортиқ, иккинчисини кам кўрмаслиги керак. Сармоядор боласига ҳам, ночор оила боласига ҳам бирдай муомалада бўлиб, бирдай таълим бериши лозим. Шунда икки дунё саодатига эришади, шогирдларининг муҳаббатига сазовор бўлади. Устоз ўқувчилари олдида ўзини сипо тутса, маза-бемаза сўзлар айтиб, шогирдлари билан беҳуда ҳазилкашлик қилмаса, обрўси ортади. Болалар ҳайиқиб, саловати босиб туради. Кийиниши ҳам сипо ва одми, ўзига ярашадиган бўлса, нур устига аъло нур.

Собиқ шўролар даврида, одам фақат еса, ичса, ўйнаб-кулиб яшаса бўлди деб туриб, одамийлик илми, одоб, оқибат, вафо, ҳурмат, устозу шогирд ҳурматларидан анча йироқлашилди. Аллоҳга шукр, бундай носозликлардан фориғ бўлдик.

Яна ота-онанинг ҳурмати, фарзандларидаги уларнинг ҳақлари хусусига қайтсак. Доно халқимиз «нима эксанг шуни ўрасан», - дейди. Бугун бола ота-онасига қандай муомалада бўлаётган бўлса, эртага фарзандларидан ҳам шундай муомалани кутиш мумкин. Ортиғини кутманг. Ота-онангизга қилмаган меҳрибончилигингиз ҳаққини, қариганда болаларингиздан кутманг.

Қуръони азимнинг «Бақара», «Бани Исроил», «Луқмон», «Анкаъбу», «Аҳқоб» сураларида фарзандининг ота-она олдидаги бурчлари баён этилади. Шу сураларнинг бирида, яъни «Бани Исроил» сурасида Аллоҳ таоллоҳ марҳамат қилиб айтадики, «Ҳукм қилди раббингиз фақат ўзигагина ибодат қилишликка. Бошқа ҳеч қандай маъбудаларга эмас. Яккаю-ягона ўзига ибодат қилмоқликка. Ва ота-онага яхшилик қилмоқликка, ота-онага яхши муомала қилмоқликка ва ота-онанинг розилигини олмоқликка ва ота-онанинг хизматини қилмоқликка буюради.» Кўрдингизми, ибодат қилмоқлик билан ота-онага яхшилик қилмоқлик бир жумла бўлиб келяпти. Чунки ибодат қилсаю, ота-онага хизмат этмаса, ота-онага эҳсонини қилмаса, юқоридаги ибодатдан ҳеч қандай маъно йўқ. Яъни ота-онани рози қилсагина - Аллоҳ рози бўлади.

Ҳақиқий иймони бор одам, Аллоҳга юрагидан ибодат қилган одамгина ота-онани танийди. Ота-онани таниган одам Аллоҳни танийди. «Ан Каъбу» сурасида ҳам, «Ан Аҳком» сурасидаги оятларда ҳам мана шу каби ота-онага бўлган муомалалар тилга олинади.

Ўғил фарзандда ота-онанинг ўнта ҳаққи борлиги уқтирилади. Ота-она ўстириб, боқиб, уни ё бир илмли қилди, ё бир ҳунарли қилдими, ўғилнинг гарданида ота-онасининг ўнта ҳаққи бор. Уламоларимиздан бирларининг яъни Ҳасан Басрийнинг «Ғафлатда қолганларга насиҳатлар» китобларида шу ўнта қарз шундай баён этилади. Биринчиси, «Итоми таом» яъни ота-онага улар қариганларида, қўлларидан пул топиш келмай қолганда таом бериб туриш. Тўғри, солиҳ фарзандлар, иймонли ўғилларимиз «Ота-она бўладику овқат бермаймизми?»деб айтишлари мумкин. Таом эмас, жонини фидо айлайдиган ўғиллар бор. Лекин минг афсуски, ота-она қариганда малол келиб, улар учун бир бурда нонни ҳам аяйдиганлари ҳам бор. Бир коса таомга олмайдиганлари ҳам учраб турибди, кўриб келаяпмиз. Лекин билиб қўйинг, эй фарзанд ота-онанинг таомидан, емоғидан хабар олиб туришлик фарзанд гарданидаги ўғилнинг вожиби. Агар ўғиллари йўқ бўлса, унда қизлар вожиби. Кимки бу ишни қилмас экан гуноҳи азимга ботади.

Иккинчи ҳақ бу - ота-онага либос кийдиришлик. Қишки, ёзги кийимларидан хабар олиб туришлик. Биз шундай оналар, оталарни биламиз, яхши кийинган, қишда иссиқ, ёзда енгил, покиза кийиниб юришади. Биз бундайларнинг ўғилларини, фарзандларини, келинларини «Барака топсин» деб дуолар қиламиз. Жуда аброр ҳолда юрган қарияларни кўрганимизда, отасини ё онасини қишда юпун, йиртиққа ўраб қўйган фарзандларни учратганимизда, «виждонсиз» деб кўнгилларимиз ранжийди. Бу дунё қайтар дунё. Ота-онага киймни кийдирсангиз бир кун келиб, сиз ҳам кийим киясиз.

Бир воқеа ёдимдан чиқмайди. Муродхўжа деган танишимиз бўлардилар. Аллоҳим раҳмат қилган бўлсин. Ваққос ота масжидида мутавалли эдилар. Бир неча йил у киши билан бирга хизмат қилганмиз. Жуда ҳам тўғрисўз, ҳалол ва дангалчи одам эдилар. Шу одамнинг қўшниси тўйга айтибди. Суннат тўйи экан. У вақтларда суннат тўйида нақор ошлари жуда катта бўларди. «Кийиниб чиқсам, - дейдилар Муродхўжа ака - вой-бў, дабдаба зўр. Беш олти киши семиз бир новвосни сўймоқдалар. Дастурхонлар жуда тўкин. Шу тўй қилаётган йигитнинг отаси эски чопонда, йиртиқ калиш кийиб, бир ғариблардай мунғайиб турганмиш. Эътиборсиз, усти-бошига қараб бўлмайди, бошида эски дўппи. «Эй номард, уч яшарлик болангга қилаётган дабдабангни кўру, отангни аҳволини кўр. Сени дунёга келтириб, боқиб, ҳунарли қилиб, мана шунақанги тўйлар қиладиган ҳолатларга келтириб қўйган отангнинг аҳволини қарагин. Ҳали мен сенинг ошингни кириб ейманми», - дедиму бурилиб, уйга кириб кетдим», - дейдилар. Икки-уч кун ўтгандан кейин тўй қилган йигитнинг отаси янги чопон, янги калиш-маҳси дўппиларни кийиб, Муродхўжа акани чақириб келибдилар. «Муродхўжа, болам, ўғлимни мусулмон қилдинг, кўзини очдинг. Буни кўр, менга эътибори ошиб кетди. Худоё Худовондо Аллоҳ муродингни берсин» деб дуо қилган эканлар.

Инсонда меҳр-оқибат, келажакка умид бўлиши керак. Отага кийдирилган арзимас кийимлар учун Аллоҳи таоллоҳ қанчалар катта ажри азимлар, савоблар ато этаркан. Онасига битта рўмол олиб бермаганлар, она ўлганидан кейин қабрини устига мармартош қўяди. Дошқозонда ош дамлаб, маъракалар қилади. Булар ҳаммаси иймонсизлик белгиси. Риё - халқ тилида айтганда «хўжа кўрсинга» қилинадиган ишлар. Ваҳоланки, тириклик чоғида на отасига ва на онасига битта янги калиш олиб кийдирмаган, бир пиёла қаймоқ билан иккита иссиқ нон олиб, отажон ё онажон шуни еб олинг, деса-ку, ота-она дуоси билан икки дунё саодатини топади.

Фарзанд гарданидаги учинчи вожиби, бу хасталанган ота-онани табибга, шифокорга қаратиш. Соғлиғига беэътибор бўлмаслик. Дори-дармонлар олиб келиб беринг, мана шу нарсалар ҳам ота-онанинг ҳаққидир. «Ҳа энди қаричилик» деб юришлик солиҳ фарзандинг иши эмас. Ота-она ҳаётлиги сиз учун бахт. Оёқларининг гардини топа олмайсиз эртага, минг тиллога ҳам тирилтира олмайсиз, ўлганларидан кейин. «Отам бетобланиб қолдилар», - деб шифокору дорилар қидириб юрган фарзандининг босган ҳар бир қадами масжидга ибодат учун қўйилган қадам ҳисобланар экан. Биринчи қадами савоб, иккинчи қадами билмай қилган гуноҳларига кафолат бўлар экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллолоҳи алайҳи вассаллам айтардиларки, «Ота-онага меҳрибон, солиҳ фарзандлар тепасига Аллоҳим биттадан фариштасини туширib қўяркан: Бу бандам отасининг, онасининг хизматида юрибди, ҳаққига дуо қилиб тургин, деб». Шу фариштa дуолар қилиб турар экан: «Э, Худоё Худовондо умринг узоқ бўлсин, бахтли бўлгин, офат-балолардан Аллоҳим ўзи асрасин. Ота-онанг учун қилаётган эзгу хизматларинг Худоё болаларингдан қайтсин», - деб. Шунчалар савобли экан ота-онага меҳрли бўлиш.

(Давоми бор).

Оқсоқол, у қандай одам бўлиши керак

1. Оқсоқол-пенсионер бўлиши шартми? (Бу ўринда оқсоқол сифатида фаолият кўрсатувчиларга пенсияларининг тўлиқ берилиши имтиёзли аҳамият касб этаяптими?)

2. Оқсоқолнинг оқсоқоллик фаолиятини бошқа бир фаолиятни бажарган ҳолда, яъни бошқа ишдан бўш пайтида олиб боришига қандай қарайсиз?

3. Оқсоқол қайси касб кишиси бўлгани маъқул?

4. Унинг маълумоти аҳамият касб этадими?

5. Оқсоқол ёшининг аҳамияти қандай?

6. Оқсоқолнинг давлат идоралари ва аҳоли билан муносабатида қандай тавсиялар айта оласиз?

7. Оқсоқолнинг халқ орасида таниқлилиги, машҳурлиги ёки аксинчалигига қандай қарайсиз?

8. Унинг эркак ёки аёл бўлишининг аҳамияти борми?

9. Сиз ўз оқсоқолингиз фаолиятини қандай баҳолайсиз?

Беминнат, беғараз хизмат

«Mahalla» газетаси сонларида босилаётган «Оқсоқол, у қандай одам бўлиши керак? - деган мунозара Собир Раҳимов тумани «Ачаобод» маҳалласи фаолларининг қизғин баҳсига сабаб бўлди.

Газетада берилган 9 та саволга маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Оқсоқол бошқа юмушдан холи бўлиши шарт. Чунки ҳозирги кун талаби - оқсоқол бор кучини, ғайратини, керак пайтда жойида бўлишлигидадир. У ўз вақтини маҳаллага бағишлаши керак. Пенсиянинг тўлиқ берилиши ҳам шунга қаратилган, деб ўйлаймиз.

2. Маҳалладаги ишлар кўп вақт ажратилишини талаб қилади. Оқсоқол ҳаммасига улгуриши керак.

3. Оқсоқол қайси касб кишиси бўлишидан қатъи назар, иқтисод ва хўжалик илмини яхши билиши шарт.

4. Унинг маълумоти катта аҳамиятга эга албатта. Бинобарин, тажрибали, уққан одам ҳам самарали ишлашга қодир.

5. Оқсоқол, ёшидан қатъи назар, ҳаракатчан, ташкилотчи бўлса бас.

6. Оқсоқол давлат қонун-қоидаларини яхши билса, давлат идораларига борганда ўз фикрини туштира оладиган бўлса, аҳоли ўртасида каттага-каттача, кичикка - кичикча муомала қила билса яхши.

7. Оқсоқолнинг халқ орасида машҳурлиги, обрўси унга иш давомида катта ёрдам беради.

8. Оқсоқолнинг эркак ва аёл киши бўлишлигининг аҳамияти бор. Бизнингча, бу лавозимда эркаклар ишлагани маъқул.

9. Бизнинг оқсоқол ҳам пенсияга чиқиш арафасида, шу туфайли яқин вақтларда маҳалламиз иши янада яхшиланиб кетади деган умиддамиз.

Таҳририят тақдим этган тўққиз саволга яна битта банд қўшмоқчимиз - маҳалла оқсоқоли бизнинг оқсоқолимиз Башир ака каби оғир-вазмин, софдил, элдан таъма қилмайдиган, фидойи инсон бўлиши керак.

Нурилла ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар «Ачаобод» маҳалласи масъул котиби.

Ҳуқуқий билим зарур

Маҳалла оқсоқоли қандай одам бўлиши лозимлиги жиддий мунозара. Шунинг учун жиддийки, бу лавозимни эгаллаб турган шахс нақд ҳокимият вакили билан тенгдир. Буни унутмаслик керак.

Оқсоқолнинг ҳокимияти бошқа ҳокимлик идораларининг мақсад ва манфаатларидан бўлакча: у авваламбор маҳалладошлари манфаатини ҳимоя қилишга чоғланган. Ана шу мақсадни амалга ошириши учун оқсоқол қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Биринчи галда оқсоқолнинг тўрт мучали соғ бўлиши керак. Маҳалладошлар юмуши кўп ҳаракат ва зеҳнни талаб қилади. Бу вазифада фаолият кўрсатувчи шахснинг ёши 50 дан ошган бўлиши мақсадга мувофиқ, сабаби ёши улуғроқ кишилар масалаларга вазмин, ҳаётий тажриба билан ёндошадилар. Оқсоқолнинг маълумоти кўп нарсани белгилайди, шунинг учун у ҳуқуқшунослик илмидан хабардор бўлгани нур устига нур. Буни мен тажрибамдан кўриб турибман. 1999 йилнинг июнь ойида Тахтапул маҳалласига раис этиб сайлангач, идорама-идора, ташкилотларга хат кўтариб, маҳалламиз манфаатларини ҳимоя қилишга, ташкилий ишларни ҳал этишга тўғри келди. Агар олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлмаганимда бу ҳужжатларни жойжойига қўйиш мен - 62 ёшли оқсоқолга осон бўлмас эди. Шунинг учун ҳуқуқий фуқаролик жамияти қурилаётган мамлакатимизда қонун-қоидани билиш ҳаммадан бирдек талаб қилиниши сир эмас.

З.АҲРОРОВ.

«Mahalla» газетасида юқоридаги мавзуда мунозара очганлиги айни муддао бўлди. Бу кўпчиликни қизиқтириб келаётган мавзу бўлиб, маҳаллалар раҳбарларини танлашда муайян мезон яратишга хизмат қилади.

Соқол қани, оқсоқол ?

Аввало, «Оқсоқол» термини тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Чунки бу атама ҳозирги воқеликка мос келмайди, маҳаллада оппоқ соқолли раислар унча кўп эмас, соқол қўймаган одамга «оқсоқол» дейиш ғалати туюлади. Агар маҳалла раиси аёл киши бўлиб қолса, бундан ҳам кулгили ҳолат юзага келади. Шунинг учун «раис» деб атасак, ёшга ҳам, қарияга ҳам, аёлга ҳам бирдек тегишли бўлаверади.

Оқсоқол пенсионер бўлиши шарт эмас, аммо шу соҳанинг жонкуяри, мулоҳазали, адолатли инсон бўлиши мақсадга мувофиқ. Оқсоқолларга пенсиянинг тўлиқ берилиши, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини беради. Уларнинг оқсоқол сифатидаги маошлари кўп эмас, аммо бажариш лозим бўлган ишлари кўп.

Оқсоқоллик фаолиятини бошқа бир фаолият билан қўшиб олиб бориш мумкин, аммо ёши ўтиб қолган кишилар раис бўлса, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Оқсоқолнинг қайси касбда бўлиши катта роль ўйнамайди, бунда унинг ташкилотчилик қобилияти, ҳалоллиги, адолатли фикрлаши, муомалалиги асосий мезон бўлиши керак. Агар оқсоқол олий маълумотли бўлса, шунча яхши. Маълумотли бўлмаган одам замон билан ҳамнафас ишлай олмайди, бошқаларни ортидан эргаштира олмайди. Бундай хусусиятлар эса бугунги кунда оқсоқолдан қаттиқ талаб қилинади.

Оқсоқолнинг халқ орасида машҳурлиги баъзан иш бериб қолади, лекин доим эмас. Аммо ҳамма «машҳур»лар ҳам оддий халқ билан мулоқотда бўлишни ўзига эп кўрмайди. Шунинг учун машҳурликни мезон сифатида олмаган маъқул.

Маҳалла раислари қайси жинсга мансублиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Шундай аёллар борки, ҳар қандай эркакдан ғайратли, ташкилотчи. Шунинг учун эркакми, аёлми, барибир, лекин муносиб инсон бўлиши керак.

Маҳалламиз оқсоқоли фаолиятини ижобий баҳолаб бўлмайди, бу фақат менинг фикрим эмас, маҳаллада истиқомат қилаётган фуқароларнинг фикри. Маҳалла гузарига мўлжалланган жой қўшма корхонага бериб юборилди. Бу корхона Қорасув бўйида ноқонуний ҳолатда қурилди. У бўёқ ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Маҳалланинг икки хонали идораси аҳоли учун қулай жойдан ноқулай жойга кўчирилди. Бу нима, жамоатчилик бошини қовуштириб турадиган нуфузли идорага олиб берилган обрў-нуфузми? Шуларни ўйлаб туриб, маҳалла оқсоқоллигига фидоий инсонлар сайлангани маъқул, деб ўйлайман.

Содиқ МЎМИНОВ.

Оқсоқолнинг касби - оқсоқоллик

Ҳурматли таҳририят! Рўзномангизда чоп этилаётган «Оқсоқол, у қандай одам бўлиши керак?» деган саволларга мен ҳам ўзимнинг шахсий фикримни билдиришни лозим топдим.

Албатта бу фикр меники, ўзгаларга бошқача туюлиши мумкин.

Оқсоқол, у қандай касбдан чиққан бўлмасин, энди унинг касби оқсоқол бўлиши шарт. Оқсоқолнинг фаолияти чексиз, у албатта фақат оқсоқолликни бажариши шарт. Пенсионер албатта иложи борича яхши маош олиши керак. Биз ўтган йили маҳалламизда яшовчи истеъдодли, санъатга қизиқувчи ёшларни бир ерга жамлаб, «Ғунча» ансамблини туздик. Биргина 1999 йилнинг ўзида 25 дан ортиқ кам таъминланган оила ва ташкилотларда хайрия концертлар берилди. Бу йилги режамизда жойларда пулдик концертлар ўтказилиб, маҳалла маблағини кўпайтириш ниятимиз бор. Шунингдек, маҳаллага берилган бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланиб маблағ тўплашга тўғри келаяпти. Зотан ҳали одамларимиз орасида маҳалла кўмагидан умидворлар бор.

Ҳожиакбар АЗИМОВ,
Мирзо Улуғбек тумани Й.Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

У ўз маҳалласида обрўли бўлсин

Оқсоқол пенсионер бўлиши мумкин. Аммо ёши 40 ёшдан юқори 60-65 дан ошмагани маъқул.

Оқсоқол маълумотли бўлгани яхши, маълумотсиз оқсоқол замон талаблари даражасида иш юрита олмайди. Лекин айнан олий маълумотли бўлиши шарт деган гап билан ўз тажрибаси, оқиллиги билан ажралиб турувчи оқсоқолнинг ўрнини камситмаслик лозим. Оқсоқолнинг машҳурлиги ва нотиқлиги оқсоқоллик учун зарур эмас. У ўз маҳалласида обрўли, эътиборли бўлиши аҳамиятга молик.

Раҳимжон ХОЛМИРЗАЕВ,
Ёқубжон ҲАЛИЛОВ,
Чортоқ тумани «Боғистон» қишлоқ «Оқ терак» маҳалла фуқаролари.

Оқсоқол ҳар ишга қодир

Агар оқсоқол бошқа бирон жойда ишлаб, маҳаллага оқсоқоллик (раислик) қиламан деса, бу кишига оғир бўлади. Маҳалла оқсоқоллигида соатбай ишлашга имконият йўқ. (Мен қишлоқ маҳаллалари бўйича фикр юритмоқдаман).

Ҳар ким ўз дарди билан келади. Ҳатто кечаси уйга ҳам боради. Иш билан келганларни гаплашиб, уларнинг гапига қулоқ солмасангиз бўлмайди. Булардан ташқари ҳар хил оилавий жанжаллар, фавқулодда ҳодисалар ва қўшимча ҳар хил йиғилишлар...

Оқсоқол қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар албатта иложи борича олий маълумотли бўлиши керак. Оқсоқолнинг ёши мумкин қадар 50 ёшдан кам бўлмагани маъқул, деб ўйлайман.

Оқсоқолнинг давлат идоралари ва аҳоли билан муносабати муҳим аҳамиятга эга. Маҳалламиздан 1999 йилда 5 та боланинг онаси турмуш ўртоғининг устидан ички ишлар бўлимига шикоят қилган. Туман ички ишлар бўлими шу масала бўйича текширса, шу оилага анча қийин бўларди. Лекин биз унга аралашдик. Оилани яраштирдик, масалани жойида ижобий ҳал қилдик. Ҳозир шу оила тинч, фаровон яшаяпти. Демоқчиманки, маҳалла оқсоқоли идоралар билан алоқадор иш олиб борса яхши бўлади.

Маҳалламизда 6 та қишлоқ бор, ҳар бир қишлоқда 6 та оқсоқол бор. Ҳаммаси обрўли, эътиборли. Маҳаллага ҳар ойда камида 3-4 марта йиғиламиз. Қишлоқдаги ҳар қандай масалани қишлоқ оқсоқоли жойида ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилади. Ҳал бўлмаган ишларни биргалашиб ҳал қиламиз.

Шамсиддин РАСУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Тоҳиршайх ота маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Яна мунозара

Шуни айтиш лозимки, ҳозир кўпқаватли уйларни бирлаштирган маҳаллада беш-олти минг аҳоли яшайди ва улар бир-бирини яхши танимайдилар.

Уйбоши ким?

Кўпқаватли уйларнинг аҳолиси қўнимсизлиги билан ажралиб туради. Улар ўз ҳоналарини сотадилар, ижарага қўядилар, алмаштирадилар. Бу борада қўниқўшниларини ҳам, уйбошиларни ҳам менсимайди. Ижарачиларнинг ҳаммасини осойишта одамлар деб бўлмайди. Қўшнилар эса улардан ҳамма вақт ҳам рози бўлавермайдилар. Шовқин-сурон, бетартиблик, озодаликка риоя қилмаслик кўпинча шулардан келиб чиқади. Улар рўйхатда бўлмайдилар. Масалан, бир хонадоннинг ҳақиқий эгасини ўттиз йилдан буён шу уйда яшовчилардан биронтаси ҳам танимайди ва билмайди. Демак, кўпқаватли биноларда яшовчи баъзи шахслар ҳаётидаги бефарқлик, осойишта ҳаёт, инсоф ва одобга мос келмайдиган хулқ эгаларини тартибга солиш мақсадида уйбоши фаолиятини қонунлаштириш, унга бироз ҳуқуқ бериш шу куннинг муҳим талабидир. Агар уйбошиларга ўз «қавми» билан ишлаш жараёнида қонуний ҳуқуқ ва кафолатлар берилса, уларни ҳимоя қиладиган ҳужжатлар ишлаб чиқилса айни муддао бўларди. Масалан, мен ўзим бошчилик қилиб турган 26-уйнинг бутун аҳолиси ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишим учун ҳар бир хонадонни чуқур ўрганишим, «прописка»си бўлмаган ёки шахси ноаниқ бўлган кишиларга чора кўришим лозим бўлди. Лекин бу ҳаракатни амалга ошириш учун уйбошига қонуний асослар яратилмаган.

Ана шу аҳоли шахсини билиш ва улар билан ишлаш оқсоқоллар ҳолини танг қилмоқда. Шу сабабли ҳам улар уйбоши ёрдамига муҳтожлар. Шуларни эътиборга олиб, аҳоли билан олиб бориладиган баъзи ишларни уйбоши зиммасига, аммо кўпчилик муҳокамаси асосида ҳал қилинадиган ишларни маҳалла оқсоқоли зиммасига қонун асосида юкланса, маҳалла ишлари осонлашар ва тартибга тушар эди. Акс ҳолда бу вазифалар эгаси кўплигидан эгасиз қолиб кетаётганга ўхшайди.

Маҳкам ПИРНАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси.

Азиз муштарий! Ушбу мақола сизни ҳам мулоҳазага чорлаяптими? Ўйлаймизки, кўпқаватли уйларда яшовчилар ҳаётига оид бу масала барчани қизиқтиради. Ростдан ҳам уйбошининг бошчилик қилиши учун қандай кафолати, ҳуқуқи бўлиши ва булар унга қай тарзда, ким томонидан берилиши керак, деб ўйлайсиз?

Хатларингизни кутамиз.

«Оқсоқолимизнинг ёши 88 да»

- Мен ҳам ўз маҳалламиз оқсоқоли ҳақидаги фикрларимни баён этмоқчи эдим,- дейди Тошкент шаҳри маҳаллаларидан бирида яшовчилардан бири таҳририятимизга келиб.

- Лекин бунинг ҳеч иложи йўқ. Чунки биз маҳалла фаоллари оқсоқолимизни ҳафа бўлишдан асраймиз. Оқсоқолимизнинг ёши 88 да, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Нафақат биз, балки ҳокимиятдагилар ҳам шуни ўйлашса керак. Маҳалла ишлари эса... Ўзингиз ўйланг, 90 ёшга яқинлашаётган отахонга юмуш буюриш ҳам уят...

Ана холос! Биз инсоннинг кўнглига қараб, шунча ишларни ўз йўлига ташлаб қўйилгани сезилиб турибди. Аввало буни кўнгилчанликдан кўра, маҳалла фуқаролари йиғинига бўлган эътиборсизлик дейиш мумкин. Ҳали шунақа муаммолар ҳам бор.

Якун

Кўпчиликнинг фикри қандай бўлди?

Таҳририятимизга мазкур мунозара юзасидан фикр-мулоҳазалар битилган юзлаб мактублар келди. Бунинг учун мактуб эгаларига миннатдорчилик билдирамиз. Хўш, кўпчиликнинг фикри қандай?

1. Кўпчилик оқсоқолнинг пенсионер бўлиши шарт эмас деган хулосага келган.

2. Оқсоқолнинг ўз фаолиятини қайсидир вазифа билан қўшиб олиб боришига эса деярли ҳар бир фикр эгаси қарши экан.

3. Унинг қайси касб эгаси бўлиши эмас, қандай одам бўлиши қизиқтиради, муштарийларни.

4. Оқсоқолнинг маълумоти зарур, деб ҳисоблайди тахминан 80-90 фоиз хат йўлловчилар.

5. Оқсоқолнинг ёши 40 ёшдан юқори 65 ёшдан паст бўлишини маъқул ҳисоблайдилар.

6. Давлат идоралари ва аҳоли билан муносабати яхши бўлмаган оқсоқолнинг иши кўнгилдагидек бўлмайди, дейилади деярли ҳар бир хатда.

7. Оқсоқолнинг таниқлилиги, машҳурлиги унчалик аҳамият касб этмайди, деган фикрлар кўпчилик.

8. Оқсоқолнинг эркак киши бўлишини маъқул топадиганлар кўпчиликни ташкил этган.

9. Ўз оқсоқоли фаолиятидан қониқувчилар унча кўп эмас экан.

Болажонлик

Умринг узоқ бўлсин, Отажон

(Воқеа)

Бу воқеа бундан 6 йил бурун айни қиш чилласида юз берганди...

...Ўшанда Назира опанинг нимагадир эрталабдан кайфияти бўлмади. Нонушта қилиб бўлиб, ишга бориш керак, ишга ҳам боргиси йўқ. Кечаси билан алаҳсираб чиқди, яхши ухлай олмади. Кўрган тушларини эслашга ҳаракат қилди, эслолмади.

Назира опа бугунги ишни бир амаллаб ўтказдию, уйга қайтди. Турмуш ўртоғи ва болаларининг ишдан, ўқишдан қайтишларига кечки овқатга уннай бошлади. Дастурхон устида болаларидан бири қандайдир талаба қизлар ҳақида, уларнинг ижарада уч ойдан буён кимдир ташлаб кетган бир чақалоқни қийналиб боқиб ўтиришгани ҳақида гапириб қолди. Назира опа ўрнидан сакраб туриб кетди. Кечаси кўрган туши эсига тушди, чақалоқни кўрган эди тушида. Болаларидан талаба қизлар ижарада турган уйининг манзилини сўради. Назира опа шу куниёқ турмуш ўртоғи Муҳаммаджон ака Абдуллаев билан талаба қизлар турган жойга боришди. Қизларнинг айтишича, 3 та қиз бу уйда ижарага туришар, улардан биттаси охирги кунларда уйга келмай қўйган экан. Бир куни ўқишдан келишса, хонада чақалоқ йиғлаб ётган эмиш. Уни ўша дугонаси ташлаб кетибди. Уч ойдан буён талаба қизлар нима қилишни билмай, бировга айтишга ҳам истиҳола қилишган. Хуллас, Назира опа чақалоқни уйига олиб келди. Чақалоқнинг аҳволи жуда оғир эди.

Уни эртасигаёқ Шайхонтоҳур тумани 1-юқумли касалликлар шифохонасига олиб келди. Бу ерда анча даволанди. Кейин шаҳарнинг 4-поликлиникасида врач Гўзал опа қўлида яна даволанди. Бола организми қаттиқ шамоллаб кетган эди. Шу алфозда олти ой деганда болани соғайтириб олишди. Болага Муҳаммаджон ака ва Назира опа яхши ният билан Отажон деб исм қўйишди.

Отажон Абдуллаев ҳозир 6 ёшда. Санъатга, мусиқага жуда қизиқади, ўқишни ёзишни билади, зеҳни жуда ўткир. Бу оилада икки қиз ва бир ўғил бор эди, Отажон иккинчи ўғил бўлди. Бутун оила санъатга қизиқади.

Назира опа ва Муҳамаджон акаларнинг ўз фарзандлари қаторида улғаяётган Отажон мусиқани ҳам севади.

Бурхон РИЗОКУЛОВ

Орият қўрғонингиз бутми, ҳазрати эркак?

«Мева шохи агар девордан ошса...»

Оилада кичкинагина ҳазрати эркак - ўғил бола дунёга келса, арши аълодан илоҳий нур тушар экан: иймон қалъаларим зиёда бўлғувси, деб.

Ўғил бола туғилса шодликдан еру кўк ларзага тушар экан: ор-номус устунларим зиёда бўлғувси, - деб.

Фарзанд кўрган, ўғил фарзанд кўрган оталар эса етти пуштимнинг, ҳаётимнинг шами чироғи, суянган тоғим деб Оллоҳга шукрона айтмишлар.

Ислом дини руҳиятида ҳатто чўлоқ эркак ҳам бутун пир, деб улуғланган. Ҳадиси шарифлардан бирида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи вассаллам: «Агар бирор кишини бирор инсонга сажда қилмоққа буюришим мумкин бўлса эди, хотинларни ўз эрларига сажда қилмоққа буюрар эдим, - дейдилар.

Чунки аёл миллатнинг шаъни, ор-номуси бўлса, уни асрагувчи ҳазрати эркакдир.

Бугун биз фахр этгувчи шу озод миллатнинг, халқнинг шоншавкати, қудрати, суянч тоғи бўлган эркакларнинг кўнгил қўрғонлари, орият қалъалари мустаҳкамми?

Агар бу муқаддас қалъалар бўлимлари томонидан минглаб оталикни белгилаш ҳолатлари сарҳисоб қилинмоқда.

Мана қўмитага келган мактублардан биридаги аччиқ ноолар:

«Биз севишиб турмуш қургандик, ҳозирда уч нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим кейинги пайтда негадир ўзгариб кетди. Қўлига ноҳалол пул тушаётгандан бери уриб-сўкадиган, бўлар бўлмасга ҳақоратлайдиган одат чиқарди. Болаларим тирик етим бўлмасин, - деб тишимни тишимга босдим. Яқиндан бери уйга келмай қўйди. Эшитишимга қараганда, шаҳарда иккита боласи бор бева жувонга уйланиб олибди, унинг болаларига жуда меҳрибон эмиш... Қайнонам - қайнотам эса, бу уйда ҳаққинг йўқ, - деб болаларим билан кўчага ҳайдади. Катта ўғлим отасини қишлоқ марказида кўриб қолиб, «дадажон», - деб югургилаб борса, эркаланса, иккита «живачка» олиб бериб, бошқа олдимга келма, деб бағридан итариб ҳайдабди. Наҳот инсон ўз фарзандини шунчалик хўрласа?

Ёзувчи F.Fуломнинг ҳикояларидаги ушбу сатрларни йиғлаб ўқидим:

«Баъзи йигитлар шундайдирлар. Уларнинг кўнгли бақатерак япроғидек икки юзли, каптар боласидек ўйнаб туради, муҳаббати жала кўпигидек бир нафасли, қаландардек ҳар эшикни қоқиб юради. Гул ўз ерида кўп кўркам, севиб узадилар, мақтаб кўкракларида кездирадилар. Сўлиб сарғайганида қўққисдан оёқ остига ташлайдилар...»

«Менга тақдир мана шундай паст инсонни ошно қилганидан қисматимга лаънатлар ўқийман».

Афсуски, ҳаётимизда бундай фожеалар оз эмас. Ўзининг қонуний хотинини, оиласини ташлаб, мурғак фарзандларини ота меҳрига зор қилаётганларга нақотки, яна бир аёлни бахтсиз қилиши учун йўл очиқ бўлса, деб ёқа ушлайсан.

Муқаддас ҳадиси шарифларимизда: хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш иймондандир. Қизғанмаслик эса мунофиқликдир, - дейилади.

Бу қизғаниш шунчаки рашк бўлмай, аҳли аёлни асраш, авайлаш, уни оила саодатмандлигига ноил этишдир.

Ёдимда йўқ, қайсидир бир ҳикоя ўқиганим бор. Тоғли қишлоқнинг «Фарҳоди» деб ном олган Асрор полвон гап-гаштаклар асносида шу қишлоқдан кетган бир қизнинг катта шаҳардаги «ҳуфёна базми жамшид»ларни гуллатаётганлигини эшитиб, ғазабдан ҳайқирганча ўрнидан туриб кетади ва йигитларнинг оғзини юмади. У ўз қишлоғининг орномуси, ориятини ҳимоя қилиш, иснодни, доғни ювиш учун бу аёлни топади ва... никоҳига олади.

Кўзларингиздаги истеҳзо-ю, таънали нигоҳларингиз, оғриқли, ҳам аламли... Биламан, миллат фожеасига айланган ахлоқсизликларни йўқотиш йўли эмас бу. Ҳазрати эркак! Шу билан бирга бу фожеаларда биргина сизни айблаш фикридан ҳам йироқман. Лекин... Аёли пок бўлган юртнинг иймон устунлари нурамагай, аёллари иймонли юртнинг истиқболи порлоқ бўлгай.

Сўзимни неча асрлардан туриб, бизни огоҳликка чорлаган, жаннатмакон бобомиз Паҳлавон Махмуднинг қуйидаги мисралари билан мухтасар этмоқчиман.

Сенда бор мардлигу ғайратдан асар,
Аҳли аёлингни этма дарбадар.
Мева шохи агар девордан ошса,
Йўловчилар унга бешак қўл чўзар.

Энахон СИДДИҚОВА

Бандлик

Яккасарой туман ҳокимлиги туман меҳнат биржаси ҳамда Қушбеги маҳалла ташаббуси билан маҳалла гузарида худди шу мазмунда ярмарка ташкил қилинди.

Ишчи ўринлари керакми?

Тошкент тўқимачилик комбинати, қурилиш материаллари комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинати корхонаси, «Олмос» акционерлик жамияти, «Ўзбексавдотаъминот» базаси, «Газмол» акционерлик жамияти ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳиссадорлик жамиятларининг вакиллари ярмаркада иштирок этдилар. Вакиллар ўз ташкилотлари маҳсулотларидан намуналар олиб келишган, ойлик маошлар, шунингдек, иш шарт-шароитлари ва имтиёзлари кўрсатилган табличкаларни столларга қатор ёйишганди.

Гузарда тумонат одам, улар Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи хонандаларининг қўшиқларини мириқиб эшитишар, столлар оралаб ўзларига ёққан иш ўринларини эгаллаш мақсадида ташкилот вакиллари билан суҳбатлашадилар.

Гарчи ярмарканинг мақсади ишсизларни иш билан таъминлаш бўлса-да, мазкур маҳалла маросими байрамона тус олди.

Ярмарка ташкил этилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор эди. Гап шундаки, Яккасарой туман ҳокимлиги Қушбеги маҳалласи тадбири мисолида туманнинг барча ҳудудларида ишсизлик муаммосини ҳал эта бориш, ёшларнинг ёт таъсирларга берилиб кетишининг олдини олиш кўзда тутилганди. Шу сабабли ҳам Қушбегида ўтказилган семинар тарзидаги мазкур тадбирга Яккасарой туманидаги барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари илғор иш услублари ва тажрибаларини ўртоқлашиш мақсадида таклиф этилди.

И.РАСУЛОВ.

Маҳалла маърифати

Фидойилар унут бўлмас

Агар, бутун умрини маърифат йўлига бахшида этган, Меҳнат Қаҳрамони, «Алифбе» ва бошқа бир қатор методик қўлланмалар муаллифи Оқилхон Шарофиддинов ҳаёт бўлганларида бугунги кунда 102 ёшга тўлардилар.

Ушбу эсдалик сурат 1970 йилда суратга олинган. Пастда 1-қаторда ўтирганлардан ўнгдан 3-Оқилхон Шарофиддинов.

Бундан 2 йил аввал устоз таваллудининг 100 йиллиги бутун республика бўйича зўр тантана билан ўтказилган бўлса-да, ҳамон ҳар йили у киши туғилган кун фарзандлари, шогирдлари, номлари берилган мактаблар, фахрий педагоглар ва маҳалла-кўй томонидан чуқур эҳтиром билан хотирланади. Нафсиламбрини айтганда, бундай инсонни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Чунки, 60 йил давомида ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга улар учун ягона ҳисобланган «Алифбе»ни ҳам совға қилиб қолдирдилар. Яқинда Оқилхон Шарафиддинов ҳаётининг сўнгги кунлари кечган маҳаллада хотира кечаси бўлиб ўтди. Уни маҳалла оқсоқоли Муроджон ака қисқача кириш сўзи билан очаркан, жумладан шундай деди: «Оқил ака ҳаётларининг сўнгги 20 йилини «Янгишаҳар» маҳалласида ўтказганликларидан биз маҳалла фуқаролари ниҳоятда фахрланамиз. Чунки устоз бутун ҳаётини ёшлар тарбиясига бахшида этиб, бир неча қўлланма китоблар яратганлар. Айниқса «Алифбе» китобидан фарзандларимиз қатор йиллардан буён баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Шу билан бирга маҳалламизни обод қилишда, ёшларни мактабларга жалб қилиш каби муҳим муаммоларни ҳал қилишда ҳам астойдил хизмат қилдилар. Шу туфайли анҳор бўйидаги катта кўчамизга Оқилхон Шарофиддинов номи берилди. Ҳатто шу кунларда маҳалламизни ҳам устоз номи билан аташ таклифи билан чиқишмоқда.

Шундан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Абдулаҳад Йўлчиев Оқилхон Шарофиддинов ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди.

- Мен у киши билан 14-мактабда 5-6 йил биргаликда ишлаганман. Оқилхон ота фақат битта биринчи синфга дарс беришарди. Аммо, дарсдан сўнг 2-3 соатлаб мактабда қолиб кетишар, ота-оналарга зарур маслаҳатларни берар эдилар.

Устоз нафақага чиққандан сўнг ҳам 2-3 кунда бир мактабга келиб турарди. Оқилхон аканинг хайрли, савобли ишлари кўп бўлиб, уларни ҳар қанча эъзозласа арзийди. Аммо энг қимматли ёдгорлик устознинг шогирди Султон Акбарий томонидан яратилган «Ранж ва ганж» номли рисоладир. Муаллиф китобнинг бошланишида шундай сўзларни битади: «Қалбимнинг қўрини, ижодимнинг сўнггини, биринчи муаллимим, устозим, табаррук инсон Оқилхон Шарофиддин ўғилларининг ҳаёти ва иш фаолиятини ёритишга бахшида этаман».

Бу китобда нафақат устознинг ҳаёти ва ижоди, балки Султон Акбарийнинг ички дард-аламлари ҳам акс этган.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Соғлом авлод керак Ватанга

Чилла яраси

Фанда экссудатив диатез деб айтиладиган ана шу хасталикда тери ва шиллиқ парда жуда таъсирчан бўлиб, у яллиғланади ва сувчираб туради. Бу касаллик билан асосан 2-4 ҳафталикдан то 2 ёшгача бўлган болалар оғрийди. Бу хасталик халқ тилида «чилла» ҳам деб юритилади. Бола аллергияга мойил бўлса, касаллик белгилари чақалоқ туғилгандан кейинги биринчи ҳафталардаёқ пайдо бўлади. Аниқроғи, бу чилла даврида бошланади.

Акмал ҚАЮМОВ,
олий тоифали шифокор

Бола жисмида моддалар алмашинувининг бузилиши ёки баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари таъсирида шу хасталик келиб чиқиши мумкин. Чилла яраси бор боланинг териси чақалоқлик давридаёқ ўзгаради. Дастлаб боланинг қош-қовоғида, юзида сарғимтир, кепакланиб турадиган доғлар кўзга ташланади. Бола тўғри парвариш қилинган бўлса ҳам териси сувчираб туради.

Чақалоқ 1,5-2 ойлик бўлгач, юзи қизариб, қасмоқланади. Қасмоқ кўпайиб, тугун-тугун бўлиб қолади. Бундай болалар лувчан бўлади.

Чилла яраси бор боланинг она сутидан етарли даражада баҳраманд бўлишлари, кўкракдан эрта ажратилмасликлари керак.

Атроф-муҳит, сув ва ҳаво мусаффолиги, озиқ-овқатларнинг сифатли бўлиши, уй-жойнинг озода тутилиши, саранжом-саришталик, хоналарни чанг ютқичда тозалаш - булар жуда зарур ва керакдир.

Беморга сутли ва турли кўкатлардан, гиёҳлардан тайёрланган парҳезли таомлар бериш маъқул. Алоҳида парҳез таомлар - болангизнинг соғайиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллада Наврўз нафаси

«Гунеш» наволари

Баҳор-меҳр-муҳаббат, нафосат фасли!

Ана шундай олам-олам мўъжизаларга тўла фасл Ўзбекистон бўйлаб дастлаб Жайхун бўйларига ташриф буюради. Сурхондарё ҳар доим баҳорни етаклаб келади.

Вилоятнинг Термиз тумани «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги Патта Кесар маҳалласи Амударё бўйида жойлашган бўлиб, 200 йиллик тарихга эга.

Айниқса, баҳор келганда бу ерда табиат янада ўзгача чирой очади. Дарахтлардаги митти қушларнинг чуғур-чуғури, ариқларда оқаётган зилол сувларнинг шилдираши, бодом, шафтоли, ўрик гулларининг нафис ифори киши қалбини аллалагандай бўлади. Ана шундай сўлим табиат бағрида улғайган кишилар эса, санъатга, куй-қўшиққа ошуфта қалб эгалари бўлишади дейдилар.

Дарҳақиқат, Патта Кесар маҳалласида ҳар бир йиғин, тўй-томоша, Наврўз байрамлари маҳалла ёшларидан ташкил топган «Гунеш» фольклор-этнографик ансамбли қатнашчиларининг дилрабо куй-қўшиқлари, шўх-шодон рақсларисиз ўтмайди. 15 кишидан иборат мазкур гуруҳ аъзолари туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда Жайхун оҳангларини тараннум этиб, тингловчиларга завқ-шавқ бағишламоқда.

Суратда: вилоятнинг Термиз тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги Патта Кесар маҳалласи қошида ташкил топган «Гунеш» фольклор-этнографик ансамбли иштирокчиларига маҳалланинг кекса отахони Рўзимурод бобо Жабборов маҳалла тарихини сўзлаб бермоқда.

А.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Йўл-йўлакай

Паттачи «мурда»

Ахборот хизмати тараққий этган ажойиб бир даврда яшаяпмиз. Автотранспорт эшиклари, деразаларига осиб қўйилган хабарнома, ахборот хизматлари кишиларимизнинг вақтини ҳам, диққатини ҳам тежашга «сарфланаётган»и билан қимматлидир.

Масалан, кўпгина транспорт воситаларида грипп хасталигидан эҳтиёт бўлиш, йўловчилар амал қилиши лозим бўлган тартиб-қоидалар, йўл ҳақи ҳақидаги ахборотлар алоҳида хафсала билан битиб қўйиладики, йўловчилар ўзлари қизиққан жумбоқларга «жимгина» жавоб олиб кетаверишади. Бу яхши албатта.

Лекин, хабарномалар ташқи кўринишини дид билан безаш билан бирга, бу соҳада бачканаликка, дилсизликка йўл қўйилаётганини тан олмай илож йўқ.

Эски Жўва бозоридаги «Келес - Ибн Сино мавзелари» оралиғида қатновчи 56-22 рақамли автобусга чиқсангиз, йўлкира ҳақи 30 сўм эканлигини эслатиш учун қошингизга нақд «мурда»нинг тасвири пешвоз чиқади. Картон қоғозга сурати ишланган ўликнинг кўзлари алланечук ёниб туради, қорнига «30 сўм» деб ёзилган бўлиб, банданинг қўллари шу пулни чангаллаб турибди. Суратнинг юқори қисмига чаласаводлик билан «Йўл ҳаққи» деб ёзиб қўйилган.

Албатта, йўловчиларга бундай ахборот керак. Лекин, ҳар ҳолда, ахборотни ҳам чиройли дид билан кўрсатишни билайлик-да...

ЙЎЛОВЧИ.

Назарбоевнинг гиёҳвандликка ҳар қандай боғлиқликдан ва алкоголизмдан даволанишнинг самарали усулларидан фойдаланинг.

Телефон: 35-81-63

МУНАЖЖИМЛАР ЖАВОБИ

Қўй (21.03-21.04). Бугун меҳнат унумингиз яхшиланади. Жума куни моддий жиҳатдан рағбатлантириласиз. Якшанбада мозороларга тўқнаш келишдан эҳтиёт бўлинг.

Бузоқ (22.04-20.05). Ўтаётган ҳафта кўп жиҳатдан хайрли бўлади. Ҳафта ибтидосида яхши харидлар қиласиз, хушхабарлар эшитасиз. Чоршанбада пулингизга пул қўшилади. Шанбада амалий битимлар тузиш имкони туғилади.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафта бошланишидаёқ молиявий қувватингиз ошишини ҳис қилгандирсиз. Ҳафта ўрталарида табиат оғушида дам олинг. Шанбадаги амалий учрашувлар яхши самара беради. Якшанбада алданиб қолманг.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Молиявий соҳадаги ишларни ҳафтанинг бошларида бажарганингиз жуда маъқул келди. Чунки ҳафта ўрталарига бориб лақиллатиб кетишлари мумкин. Дам олиш кунларида севган ёрингизни кўнглини олинг.

Арслон (23.07-22.08). Сешанбада пулингиз кўпайиб қолганига ажабланманг. Ҳафта ўрталарига бориб мозороларга дуч келишингиз мумкин. Якшанбада соғлигингиз хусусида ўйлаб кўринг.

Паризод (23.08-22.09). Душанбада фойдали битимлар амалга ошганига шукур қилинг. Бугун хушхабарлар тинглайсиз. Дам олиш кунларида табиат оғушида ҳордиқ чиқарилса ёмон бўлмайди.

Тарози (23.09-22.10). Кеча хабарлар эшитганингиз эсингиздами? Чоршанбада ҳам хабар эшитасиз, лекин у ёлғон бўлиши мумкин. Пайшанбада пулингизга пул қўшилади. Дам олиш кунлари амалий битимлар тузиш ва ҳордиқ чиқаришга қулай.

Чаён (23.10-22.11). Ўтаётган ҳафта сизга яхши хабарлар келтиради. Чоршанба ва пайшанба кунларида молия ва бизнес соҳасида анчадан буён бажарилмаган ишларингиз рўёбга чиқади. Дам олиш кунларида севгилингизни бахтиёр этинг.

Ўқотар (23.11-21.12). Ушбу ҳафта сизга ҳақиқий маънода бойиб дам олиш имконини беради. Жума куни айниқса қулай. Пайшанбада кўнглингизга маъқул харидлар қилинг. Ҳафта ниҳоясида қалбингиз маҳбубасини шод этинг.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Ҳафта бошларида зиддиятларга тўқнашишдан эҳтиёт бўлиб, яхши қилдингиз. Жумада кўнглингиз маликасини бахтиёр этинг. Дам олиш кунларида амалий битимлар тузиш учун қулай.

Қовға (20.01-18.02). Ҳафтанинг биринчи ярмида соғлиқ борасида муаммоларга дуч келганингизга афсусланманг. Лекин кейинги кунларда амалий битимлар тузишга ва молиявий ишларингизни йўлга қўйишга имкон туғилади. Дам олиш кунлари яхши воқеалар юз беради.

Балиқ (19.02-20.03). Ўтаётган ҳафтада яхшигина пул жамғариш имконига эга бўласиз. Фақат имконни қўлдан бой бермасангиз бўлгани. Шанба куни амалий битимлар тузиш мумкин.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220

Топширилди—20.30